

**Мавзу: ЎРМОННИНГ  
ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ  
АҲАМИЯТИ**



**РЕЖА**

- **1. Ўрмоннинг инсоният ҳаётидаги роли.**

**«ЎРМОН ТУЗИШ АСОСЛАРИ ВА ИХОТА ДАРАХТЛАРИ ПОЛОСАЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ»  
фанидан « Махсус ўрмон дарахтлари ўтқазувларини жойлаштириш» очиқ дарс маърузанинг таълим технологияси модели**

Вақт 2 соат	Талабалар сони
<i>Ўқув машғулоти шакли</i>	маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	<b>1. Ўрмоннинг инсоният ҳаётидаги роли.</b>
<i>Ўқув машғулот мақсади</i>	<b>« Махсус ўрмон дарахтлари ўтқазувларини жойлаштириш» тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш</b>
<i>Педагогик вазиятлар</i> <b>1.Ўрмоннинг инсоният ҳаётидаги роли ўрганиш.</b>	<i>Ўқув фаолияти натижалари</i> <b>1.Ўрмоннинг инсоният ҳаётидаги роли билиш.</b>
<i>Таълим усуллари</i>	маъруза, ақлий ҳужум, мунозара
<i>Таълимни шакллантириш шакли</i>	Оммавий, жамоавий
<i>Таълим воситалари</i>	маъруза матни, компьютер (проектор) слайдлар
<i>Таълим бериш шароити</i>	Техник воситалар билан жиҳозланган хона
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки сўров: тезкор сўров, БББ жадвал.

**«ЎРМОН ТУЗИШ АСОСЛАРИ ВА ИХОТА ДАРАХТЛАРИ ПОЛОСАЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ»**

фанидан « Махсус ўрмон дарахтлари ўтқазувларини жойлаштириш» очик дарс маърузанинг технологик харитаси

Иш босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотига кириш 20 дақиқа	<p>Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот кўргазмали маъруза шаклида олиб борилиши маълум қилинади. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни, мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади.</p> <p>Ақлий ҳужум усули бўйича ушбу мавзу асосида маълум бўлган таянч тушунчаларни айтишни таклиф этади</p> <p>(1 илова)</p>	<p>Тинглайдилар ва ёзиб оладилар</p>
2 босқич Асосий қисм 50 дақиқа	<p>2.1. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (2 илова). Виер жадвали (3 илова)</p> <p>2.2. Мавзу режаларига хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари эслатилади.</p> <p>2.3. Мавзуни ўзлаштириш бўйича тезкор сўров ўтказилади. (4 илова)</p>	<p>Тинглайдилар, дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар</p> <p>Асосий тушунчаларни муҳокама қиладилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (5-илова)</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар</p>

# **Ўрмон дарахтлари биосферанинг муҳим компонентларидан ҳисобланади.**



Одамзод учун ўрмон қадимдан яшаш ва озиқ-овқат топиш жойи бўлиб келган. Ҳозирда ҳам у ёғоч етиштириш ва инсон ҳаёти учун зарур бўлган маҳсулотлар манбаъси сифатида ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Ўрмонлардан чорва молларини боқиш, ов қилиш, пичан ўриш, дарахтлар ва ўсимликлар мевасини ва доривор ўсимликлар хомашёсини тўплашда фойдаланадилар.

Ўрмон дарахтлари ва ўсимликларининг эстетик аҳамияти ҳам бебаҳо, уларнинг таъсирли ва такрорланмайдиган чиройлилиги шаҳар ва қишлоқларни кўкаламзор қилиб безатишда, гўзал манзара барпо этишда кенг фойдаланилади. Уларнинг такрорланмайдиган чиройлилиги кишида гўзаллик ҳиссиётини уйғотади.

Республиканинг ушбу ҳудудида одамлар қадимдан яшаб келганлар. Ўтган ХХ – асрнинг ўрталарида олимлар томонидан тош даврида яшаган одамларнинг турган жойларидан бир нечтаси топилган. Улардан кенг маълум бўлганлари: «Тешик тош» (Бойсун тоғида); «Омон қўтан» (Қора тепа тоғ тизмаси) – Самарқанд шаҳри яқинида.

Эрамининг бошларида Амударё билан Сирдарё ўртаси – Мовароуннаҳрда\* яшаётган қабилалар учун уруғчилик тизими тугалланиб ўрнига йириклашган қулдорлик давлати вужудга келган.

Суғориб деҳқончилик қилиш билан бир вақтда бу ерда ўрмончилик ҳам вужудга келган. Бу ерлардаги мавжуд табиий ўрмонзорлар ёнғоқ, ўрик, pista, заранг (клен), олча ва тоғ олмаларидан ташкил топган бўлиб, улар фақат тоғ ёнбағирларида эмас, балки ундан пастроқ ерларни ҳам қоплаган эдилар, ҳаттоки суғориладиган ерлар чегарасигача тушганлар. Маҳаллий халқ улардан мева олиш билан бирга кўпроқ ёқилғи сифатида фойдаланганлар, олинадиган ёғочнинг сифати жуда паст бўлган. Шу сабабли маҳаллий халқ суғориладиган ўрмончилик билан ҳам шуғулланишга мажбур бўлган.

Темурнинг ўзи Самарқанд атрофида «Боғи Шамол», «Боғи Чинор», «Боғи Беҳишт» (Жанн боғ), «Боғи Загон» (Зоғчалар боғ), «Боғи Дилкушо» (Кўнгилни қувонтирадиган боғ), «Боғи Жаҳон Нав» (Боғ – Жан кўзгуси) каби боғ ва саройларни қурдирган. Бу боғлар ичида «Боғи чинор» фақат чинор дарахтларидан ташкил этилган.

Умуман маҳаллий халқ томонидан боғлар уч хилга бўлинган: боғ; чорбоғ; чакалак. Биринчиси – «боғ» асосан бир хилдаги мевали дарахтлар билан банд бўлган. Кўпроқ «боғ» сўзи орқали узумзорлар боғи белгиланган. «Чорбоғ» боғи ҳар - хил нав – насли мевали боғларни ўз ичига олади. «Чакалак» боғи эса мевали дарахтларсиз, фақат қурилишга кетадиган ўрмон дарахтлари ўтқазувидан иборат сунъий равишда ташкил этилган боғлар ҳисобланади. Бу боғларда чинор, терак, тол, қайрағоч, тут каби дарахтлар ўстирилди.

**XIX – асрнинг 80 йилларида Чор ҳукумати томонидан Ўрта Осиёда сел оқимиغا қарши тадбирлар қўллаш бошланади. Сел оқимиغا қарши қилинган ишларнинг объектлари: 1888 йил Самарқанд шаҳри яқинидаги «Омон қўтон» сув ҳавзаси (Қора тепа тоғ тизмаси); 1894 йил Олой тоғ тизмасининг шимолидаги «Пешкаут» чегара чизмаси (Жалолобод вилояти); 1898 йил Коржонтау тоғининг жанубий қиялигида «Оқ тош» сув ҳавзаси (Тошкент вилояти).**

**XX – асрнинг бошларида Туркистон ўлкасининг Ўрмончилик департаменти таркибида олти қумларни маҳкамлаш ва сел оқадиган районларни бирлаштириб «Қум – жарлик» округини ташкил қилди. Бу ташкилот асосан ўрмон мелиоратив ишларини бажаришга қаратилган эди. У ўзининг фаолиятида тоғлик жойларда 2600 гектардан ортиқроқ ўрмонзор барпо қилди. 4700 гектарга яқин майдонда қумни маҳкамлайдиган ўрмонзорлар ташкил қилди.**

Мирзачўл массивида кўп қаторли суғориладиган ҳимояловчи ўрмон дарахти ўтқазувини ташкил қилиш учун 1915 йилда бошланган ишлар 1917 йилда тугади. Икки йил мобайнида Мирзачўлнинг қум маҳкамлаш ва сел оқимини тўхтатиш районларида 8 гектар майдонда ҳимоялайдиган ўрмон дарахтлари ўтқазуви барпо қилинди. Чор ҳукуматининг сел оқимига қарши, қумлар ҳаракатини тугатишга ва ҳимоялайдиган ўрмон дарахтлари ўтқазувини ташкил қилишга қаратилган фаолияти тугалланди.

Ҳимоялайдиган ўрмон дарахтларини ташкил қилиш бўйича режали ишлар Ўрта Осиёда асосан Октябр инқилобидан кейин кенг тус олди. 1924 йили қумни маҳкамлаш ишлари бошланди, 1926-27 йилларда ирригация каналларини ўрмонлаштириш ва тоғ ўрмон мелиорацияси бўйича ишлар амалга оширилди. 1931 йили Ўзбекистонда майда суғориш шахобчаларини ёқаларида дарахтлар ўтқазувини ташкил қилиш ишлари олиб борилди, бунга туман ўрмоншунос мутахассислари раҳбарлик қилдилар. Йирик каналлар ёқасида эса ирригация ўрмон хўжаликлари ўтқазувлари ташкил қилишди.

**Ҳимоялайдиган ўрмон дарахтлари ўтқазувини ташкил қилиш бўйича иш ҳажми Республикада йилдан – йилга ўсиб борди. 1933-1934 йилларда ирригация ўрмон хўжаликлари йирик каналлар ёқасида кўп қаторли суғориладиган ҳимояловчи ўтқазувлар ташкил этишни бошлашди, ҳамда гидротехник иншоотлар атрофидаги суғориладиган ерларда ўрмонча (роща) лар ва боғзорлар ташкил қилишди. 1933 йилдан бошлаб 4 йил ичида каналлар ёқасида Республика бўйича узунлиги 40 минг километрдан ортиқ ўрмон дарахтлари ўтқазуви ташкил этилди, суғориладиган ерларда эса 2000 гектарга яқин ўрмонча (роща) лар ўтқазилди. Гаримсел ва кучли шамолларга қарши суғориладиган ерларда юқори даражада тезлик билан далаларни ҳимоялайдиган ўрмон дарахтлари ўтқазуви барпо қилина бошланди.**

**Тоғ дарёлари сув режимини яхшилаш учун, тупроқнинг ювилиш ва емирилишдан, оазис (воҳа)ларни эса сел оқимидан сақлаш мақсадида гидромелиоратив ва бошқа ишлар мажмуини бажариш белгиланган эди. Бу ишлар энг аввал сел оқими ҳавфи бўлган ерларда ўтказилиши мўлжалланган эди. 1955 йилнинг охирида Ўрта Осиё Республикалари ҳудудида 400 минг гектардан ортиқ ҳимоялайдиган ўрмон дарахтлари ўтқазуви ташкил этилган эди, шундан қарийб 25 минг гектари суғориладиган ерларда жойлашган. Булардан ташқари шаҳарлар ва саноат марказлари ҳамда қишлоқлар кўкаламзорлаштирилган, йўллар бўйлаб дарахтлар ўтказилган.**

**Кейинги йилларда ўрмонлар барпо қилиш ва ҳимоялайдиган ўрмон дарахтлари ўтқазувларини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар партия ва ҳукумат органлари қарорларида ўз ўринларини топган. Улар ичида 1967 йил 20 мартда собиқ КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Тупроқни шамол ва сув эрозиясидан сақлашнинг кечиктириб бўлмайдиган чора тадбирлари тўғрисида» ги қабул қилган қарори катта аҳамиятли бўлди. Ушбу ҳужжат асосида Иттифоқ миқёсида (шунингдек Ўзбекистонда ҳам) тупроқни эрозиядан сақлашга қаратилган тадбирлар таркибида ўрмон мелиоратив тадбирларнинг салмоғи анчагина катта бўлган. Масалан: «Ўздаверлойиҳа» илмий лойиҳалаш институти мутахассисларининг ҳисобига кўра тадбирлар мажмуини амалга ошириш харажати 1270,3 миллион сўмни ташкил этган, шундан ўрмон мелиоратив тадбирларнинг харажати 348,7 миллион сўм (27,5 %) ни ташкил этган.\***